



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ИЖТИМОЙ ИЛЛАТЛАР (Фирибгарлик, ўзгалар молини ноҳақ ейиш)

Мухтарам жамоат! Ислом дини шахсни тарбиялаш ва ислоҳ қилишга қанчалик эътибор қаратган бўлса, жамиятни ислоҳ қилишга ундан ҳам кўпроқ аҳамият қаратган. Воқеъликда фирибгарлик, ўзгалар молини ноҳақ ейиш каби иллатлар борки, улардан жамиятни халос этиш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир. Бу борада динимиз кўрсатмаларини ўрганиб, унга амал қилиш шубҳасиз, юртимизнинг гуллаб-яшнашига катта ҳисса қўшади. Жамият вакилларининг ўз вазифаларини суиистеъмол қилиб, шахсий манфаатларини биринчи ўринга қўйиши, давлат мол-мулкидан ноқонуний фойдаланиши, жамиятнинг турли жабҳаларида ўсиш ва ривожланишдан тўхтаб қолиши, оддий халқнинг ислоҳотларга бўлган ишончининг йўқолиши ва бошқа шу каби салбий оқибатларга олиб келади.

Таассуфки, аксарияти мусулмонлардан иборат бўлган диёримизда фирибгарлик, ўзгалар молини ноҳақ ейиш каби ота-боболаримиз қаттиқ ҳазар қилган гуноҳлар рўй бериб турибди.

Ҳолбуки, динимизда бировнинг молини алдов, фирибгарлик, чув тушириш йўли билан ўзлаштиришдан қаттиқ қайтарилган. Қуръони каримда бу ҳақда шундай баён этилган. Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ وَتُدْلُوا بِهَا إِلَى الْحُكَّامِ لِيَأْكُلُوا فَرِيقًا مِّنْ أَمْوَالِ النَّاسِ بِالْإِثْمِ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ

яъни: “Мол ва бойликларингизни ўрталарингизда ботил йўллар билан емангиз. Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўл билан ейиш мақсадида уни ҳукм чиқарувчиларга ҳавола этмангиз” (Бақара сураси, 188-оят).

Албатта, зарурат учун қарз олиш ёки шерикчилик билан шуғулланиш жоиз. Бироқ, олган қарзини пайсалга солмай қайтариш, шерикчиликда эса хиёнат қилмаслик лозим. Акс ҳолда бошланган ишлар ортга кетиб, касодга учраши тайин. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

"مَنْ أَخَذَ أَمْوَالَ النَّاسِ يُرِيدُ أَدَاءَهَا أَدَّى اللَّهُ عَنْهُ وَمَنْ أَخَذَهَا يُرِيدُ إِتْلَافَهَا أَتْلَفَهُ اللَّهُ" (رواه الامام البخاري).

яъни: “Ким одамларнинг молини қайтариб бериш мақсадида олса, Аллоҳ таоло унга ёрдамчи бўлади. Ким одамларнинг молига талофат етказиш (чув тушириш) учун олса, Аллоҳ таоло унинг ўзиги талофат етказади” (Имом Бухорий ривоятлари).

Айниқса, савдо-сотик вақтида ҳаридорга фириб бериш, масалан, айбли молни айбини яшириб сотиш ёки сохта молни асл мол, деб сотиш энг оғир гуноҳдир. Қуйидаги ҳадислар бунга очик далил бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дон сотаётган одамнинг ёнидан ўтиб қолибдилар. Унинг дони орасига кўл тиқиб кўрсалар, намланиб қолган экан. **“Бу нимаси?”**, деб сўрадилар. Сотувчи: **“Эй Расулulloҳ, унга ёмғир тегибди”**, деди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Уни устига чиқариб қуймайсанми, одамлар кўрар эди”**, дедилар ва:

مَنْ غَشَّنَا فَلَيْسَ مِنَّا (رواه الإمام الحاكم).

яъни: **“Ким бизни алдаса, у биздан эмас”**, дедилар (Имом Ҳоким ривоятлари). Имом Табаронийнинг ривоятларида эса:

وَالْمَكْرُ وَالْخَدِيعَةُ فِي النَّارِ (رواه الإمام الطبراني).

яъни: **“Макр ва алдов дўзахдадир”** деганлари зиёда қилинган.

Демак, алдов, фирибгарлик, бирор нарсани сохталаштириш мусулмоннинг иши эмас.

Ўзгалар молини ноҳақ ейишнинг бир мисоли порахўрликдир. “Пора” ёки арабча “ришва” сўзини ислом уламолари қуйидагича таърифлаганлар: “Пора – киши ҳақли бўлмаган нарсасига эришиш ёки зиммасига лозим бўлган нарсдан қутулиш учун тақдим этган мол ёки манфаат”.

Таърифдан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. Биринчидан, пора пул шаклида бўлиши шарт эмас экан. Балки бирор ишини қилиб бериш каби хизматлар орқали тўланган нарсаларни ҳам ўз ичига олар экан.

Иккинчидан, пора берувчининг нияти яхши бўлмас экан. У ўзи ҳақли бўлмаган нарсага эришишни, яъни етарли илм ва малакага эга бўлмасдан олий ўқув юрти талабаси ёки бирор корхона, ташкилотда мансабдор бўлмоқчи бўлади.

Учинчидан, пора олувчининг бузғунчилиги эса жуда катта экан. У ботил йўл билан, осон йўл билан мўмай пул топиб, ҳақли бўлмаган инсонларни юқори мансабларга кўтарилишига сабабчи бўлиб, жамият тараққиётини орқага кетишида катта ҳисса қўшади.

Исломда элга хизмат қилиш энг олий мақомлардан бири ҳисобланади. Аммо унинг асосий шарти адолат ва сидқидил билан хизмат қилиш керак бўлади. Қуръони каримда бундай дейилади:

إِنَّ اللَّهَ يُأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ وَإِيتَاءِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَيَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَالْبَغْيِ ۗ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ

яъни: **“Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузукчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур”** (Наҳл сураси 90-оят).

Одатда кўпчилик порахўрлар порани ҳадя, совға сифатида берди, деб гумон қиладиган бўлиб қолган. Берувчилар ҳам кўнгилдан чиқди, атадик ва бошқа чиройли сўзлар билан қабих ниятларини амалга оширишга одатланишган. Шунинг учун ушбу ўринда ҳадяни ҳам таърифлаб ўтиш тўғри бўлади. “Ҳадя” – бирортасига фойдаланиши учун молни ҳеч қандай эвазсиз бериш. Ҳадяни одатда берилаётган одамнинг меҳрини, муҳаббатини қозониш ёки шунчаки уни эҳтиромини жойига қўйиш ёки унга эҳсон қилиш ёки қилган

яхшилигига яраша муомала қилиш каби мақсадлар назарда тутилади. Ундан бирор нарсани ноҳақ ундириш нияти бўлмайди. Мана шу нарса ҳадянинг порадан асосий фарқини кўрсатиб турибди.

Порахўрлар шуни яхши билишлари керакки, улар бу ишлари билан ўз вазифаларига, давлатга, халққа хиёнат қилмоқдалар.

Абу Хумайд Соъидий разияллоҳу анҳу ривоят қилади:

اسْتَعْمَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا مِنَ الْأَسَدِ، يُقَالُ لَهُ: ابْنُ النَّبِيِّ – قَالَ عَمْرُو : وَإِنَّ أَبِي عَمَرَ - عَلَى الصَّدَقَةِ، فَلَمَّا قَدِمَ قَالَ: هَذَا لَكُمْ، وَهَذَا لِي، أَهْدِي لِي، قَالَ: فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الْمِنْبَرِ، فَحَمِدَ اللَّهَ، وَأَثْنَى عَلَيْهِ، وَقَالَ: مَا بَالُ غَامِلٍ أَبْعَثُهُ، فَيَقُولُ: هَذَا لَكُمْ، وَهَذَا أَهْدِي لِي، أَفَلَا قَعَدَ فِي بَيْتِ أَبِيهِ، أَوْ فِي بَيْتِ أُمِّهِ، حَتَّى يَنْظُرَ أَيُّهُدَى إِلَيْهِ أَمْ لَا؟ وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ، لَا يَنَالُ أَحَدٌ مِنْكُمْ مِنْهَا شَيْئًا إِلَّا جَاءَ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَحْمِلُهُ عَلَى عُنُقِهِ بَعِيرٌ لَهُ رُغَاءٌ، أَوْ بَقْرَةٌ لَهَا حُوزٌ، أَوْ شَاةٌ تَبْعُرُ (رواه الإمام مسلم).

яъни: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам садақа (закот) йиғишда Ибн Лутбия исмли Баний Сулаймлик кишининг хизматидан фойдаландилар, у закот йиғиб келиб ҳисоб-китоб бераётганда: “Бу (закот) сизники, бунисини эса менга ҳадя қилишди”, – деди. Шунда Набий алайҳиссалом минбарга чиқиб: **“Нега мен юборган хизматчи: “Бу сизга, буниси эса менга”, – деб айтади? Отаси ёки онасининг уйида қолганда, унга ҳадя олиб келишармиди? Менинг жоним Унинг кўлида бўлган Зотга қасамки, кимки ўзига тегишли бўлмаган нарсани олса, Қиёмат куни елкасида ўкираётган туяни ёки мараётган сизирни ёки бараётган кўйни олиб келади”,** деб айтдилар” (Имом Муслим ривоятлари).

Демак, ҳар бир вазифадор киши уйда ўтирганимда шу “ҳадя” менга берилармиди, деган саволга инсоф билан жавоб бериб кўриши лозим.

Бошқа бир ҳадисда Адий ибн Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Кимни бирор ишга бошлиқ қилсаг-у, у игнадек нарсани яширса, Қиёмат куни омонатга хиёнат қилгани учун жавобгарликка тортилади”,** дедилар. Шунда ал-Ансор қабиласига мансуб қора танли бир киши Набий алайҳиссаломнинг ёнларига келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули! Менга топширган ишингизни қайтариб олинг (яъни закот ва садақа йиғиш вазифасини)”, деб айтди. Расули ақрам алайҳиссалому васаллам: **“Сенга нима бўлди?”** – деб сўраганларида ҳалиги одам: “Сиз шундай-шундай деганингизни эшитдим”, деб жавоб берди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ҳозир яна қайтариб айтаман, кимни бирор ишга бошлиқ қилсак, озиниям, кўпиниям яширмай олиб келсин. Нимани берсак, уни олсин. Нимадан қайтарсак, уни олишдан ўзини тийсин”,** дедилар” (Имом Муслим ривоятлари).

Жойларда кам таъминланганлар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар ва бошқалар каби аҳолининг нафақага муҳтож қатламга давлат томонидан ажратилган маблағларини суистеъмол қилиш, ноқонуний ўзлаштириш каби ҳолатларни эшитиб қоламиз. Бу борадаги динимиз таълимотларига қарасак, уларнинг қанчалик гуноҳ қилаётганини кўришимиз мумкин.

Ҳавла бинти Амр разияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Баъзи бир**

одамлар Аллоҳнинг мулки (жамоат пуллари)га хиёнат қилади. Қиёмат кунини улар жаҳаннамга равона бўлишади” (Имом Бухорий ривоятлари).

Порахўрлар ва уларга ушбу разил мақсадларини амалга оширишда кўмаклашаётганлар учун динимизда ниҳоятда оғир ҳукмлар келган бўлиб, ҳар қандай мусулмон учун бу ўта жиддий огоҳлантиришдир.

Абдуллоҳ ибн Умар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар:

لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الرَّاشِيَّ وَالْمُرْتَشِيَّ

яъни: **“Расулуллоҳ пора берганни ҳам, пора олганни ҳам лаънатладилар”** (Имом Ибн Можа ривоятлари).

Коррупция, яъни таниш-билишчилик борасида ҳам динимиз кўрсатмалари қаттиқ. Бу ҳақида ривоят қилинган ҳадисда Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар: “Маҳзум қабиласидан бўлган бир аёл қарзга нарса олиб, уни қайтармас ва тан олмас эди. Жинояти исботлангач, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам унга жазо беришни буюрдилар. Аёлнинг қариндош-уруғлари Усома ибн Зайднинг олдига келиб, жазони юмшатишни илтимос қилишди. Усома Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламга аёл ҳақида гапирган эди, у зот саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Эй Усома, Аллоҳ аzza ва жалланинг ҳад(жазо) ларидан бири борасида ҳам ўртага тушасанми?”**, дедилар. Сўнг одамларга ўтган қавмлар агар ораларида шарафли, обрўли кишилар жиноят қилса, авф этиб, заиф киши жиноят қилса, жазолаганлари сабабли ҳалок бўлганларини айтдилар. Яна қасам ичиб айтдиларки, агар қизлари Фотима жиноят қилса ҳам, жазосиз қолмайди. Кейин жиноятчига жазо берилди” (Имом Муслим, Имом Аҳмад ва Имом Насойй ривоятлари).

Динимизда пора берганни ҳам олганни ҳам баравар азобга дучор бўлиши хабари берилди. Бундан порахўрликка қарши курашиш жамиятнинг ҳар бир аъзосининг бурчи деб, хулоса қилиш мумкин.

Аллоҳ таоло барчамизни ҳақ йўлда собитқадам қилсин, жамиятимизни турли иллат ва балолардан асрасин! Омин!

Ҳурматли имом-домла! Келаси жума маърузаси “Ҳикматнинг боши – Аллоҳдан кўрқинишдир” ҳақида бўлади, иншааллоҳ.